

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САИДВАЛИЕВ САИДАЗИМ САЙДИАМИРХАНОВИЧ

**ПАЛЬМА ВА КОКОС МОЙЛАРИ АСОСИДА ЮВУВЧИ
ВОСИТАЛАРНИНГ ЯНГИ ТАРКИБЛАРИНИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.17- Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялар ва биотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the dissertation abstract of doctor of science (DSs)

Саидвалиев Саидазим Сайдиамирханович

Пальма ва кокос мойлари асосида ювувчи
воситаларнинг янги таркибларини ва уларни
ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш..... 5

Саидвалиев Саидазим Сайдиамирханович

Разработка новых рецептур и совершенствование
технологии производства моющих средств на основе
пальмового и кокосового масел 27

Saidvaliev Saidazim Saydiamirkhanovich

Development of new formulations and improvement of
technology for the production of detergents based on
palm and coconut oils 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

САИДВАЛИЕВ САИДАЗИМ САЙДИАМИРХАНОВИЧ

**ПАЛЬМА ВА КОКОС МОЙЛАРИ АСОСИДА ЮВУВЧИ
ВОСИТАЛАРНИНГ ЯНГИ ТАРКИБЛАРИНИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.17- Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2022

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/T107 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) ik-kimyo.nuu.uz манзили бўйича илмий кенгаш веб-саҳифасида ва ахборот-таълим портали «Ziyonet» (www.ziyonet.uz.) да жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Мажидов Қахрамон Халимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Серкаев Қамариддин Пардаевич
техника фанлари доктори, доцент

Тиллаева Гулнора Уринбаевна
техника фанлари доктори, профессор

Аҳмедов Азимжон Нормўминович
техника фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси «_____» _____ 2022 й. да соат__да Тошкент кимё-технология институти қошидаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел. (+99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс Марказида №____ рақам остида рўйхатга олинган бўлиб, у билан АРМ да танишиш мумкин. (100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел. (+99871)244-79-21).

Диссертация автореферати «_____» _____ 2022 йилда тарқатилган.

(тарқатма баённомаси _____ 2022 йил №____ рақам остида).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Қодиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Қ.П. Серкаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунё аҳолисининг сони ошиши билан гигиеник воситалар, хусусан, асосини қаттиқ техник, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари ташкил этувчи хўжалик ва атир совунларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу билан бирга совун тайёрлаш технологиясида пластиналарни мисцеллаларнинг турли қисмларига сингувчи биологик фаол қўшимчаларни қўллаш, ярим тайёр ашёларга электромагнит ишлов бериш орқали ювиш хусусиятлари оширилган воситалар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда хомашёнинг янги турларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш асосида сифат кўрсаткичлари яхшиланган атир совунлари ишлаб чиқаришнинг энергия ва ресурстежамкор технологияларини қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимлик ва ҳайвон ёғлари таркибидаги ёғ кислоталарни совунлаш бўйича мавжуд назарий тушунчаларни кенгайтириш, сифат кўрсаткичлари ва ювиш хусусиятлари яхшиланган, ўсимлик экстрактлари ва бўёқлардан фойдаланиб хўжалик ва атир совунлари таркибини ишлаб чиқиш, ювиш воситалари ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган, энергия сарфни камайтириш имконини берувчи кам босқичли технологияларини мақбуллаштириш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ишқорий эритмаларни қўллаб, ёғ кислоталарини совунлашнинг замонавий технологияларда амалга оширилувчи, энергия ва ресурстежамкор тизимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ресурс ва энергия тежовчи усуллардан фойдаланиш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини босиш мақсадида рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва самарали ювиш хусусиятларини таъминлаш имконини берадиган маҳаллий хомашё манбаларидан фойдаланиш, сифатли хўжалик ва атир совунларини ишлаб технологик жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сонли «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сонли «Ёғ-мой саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сонли «Ёғ-мой тармоғини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Қаттиқ техник, ўсимлик ва ҳайвон ёғлари хомашёсидан фойдаланиб ювиш воситалари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий ишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва таълим муассасалари, жумладан, Australian Institute of Petroleum (Австралия), Delft University of Technology (Нидерландия), French Petroleum Institute (Франция), West Virginia University (АҚШ), The University of Tokyo (Япония), Exxon, BASF (Германия), Россия Фанлар Академияси Бутунроссия ёғлар илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё илмий-тадқиқот институти, Тошкент кимё-технология институти, Бухоро муҳандислик-технология институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Арзон, мавжуд хомашёнинг янги турларидан самарали фойдаланиб, атир совунлари ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган, жумладан, суяқ сувда эрийдиган тўлиқмас детергентларни совунлаш бўйича мавжуд назарий тушунчалар ишлаб чиқилган (Australian Institute of Petroleum, Австралия), ўсимлик экстрактлари ва бўёқлардан фойдаланиб сифат кўрсаткичлари ва ювиш хусусиятлари яхшиланган хўжалик ва атир совунлари таркиби мақбуллаштирилган (Delft University of Technology, Нидерландия ва French Petroleum Institute, Франция), пальма ва кокос мойларини дастлаб совун асос тайёрланувчи қозонларда водород пероксиди билан оқартирилувчи технология жорий қилинган (West Virginia University, АҚШ), пластинали мисцеллаларнинг турли қисмларига сингувчи биологик фаол қўшимчаларни қўллаш билан ювувчи воситалар ишлаб чиқариш технологияси (The University of Tokyo, Япония ва Exxon, BASF, Германия), узлуксиз усулда таркиб реагентлар нисбатларини бошқариш орқали тайёр маҳсулот намлигини назорат қилиш ва ёғ кислоталари метил эфирларидан хомашё сифатида фойдаланилган технология ишлаб чиқилган (Бутунроссия ёғлар илмий-тадқиқот институти), янги таркибли тўғридан-тўғри совунлаш технологияси таклиф этилган (Тошкент кимё-технология институти, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон).

Дунёда юқори ювиш кўрсаткичларга эга воситалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ipb.acid, www.iagre.org, www.unios.hr, www.erdogan.edu.tr, www.ksu.edu.tr, www.itu.edu.tr, www.cornell.edu, www.psu.edu, www.nrel.gov, www.unical.it, www.agroparistech.fr, www.uca.fr, www.csic.es, www.unicamp.br, www.tanta.edu.eg, www.tugraz.at, www.uwaterloo.ca, www.renewability.com, www.mgupp.ru, www.kniihpsp.ru, www.tdtu.uz, www.tkti.uz, www.urmon.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

борилмоқда, жумладан, қуйидагилар: ёғ кислоталарини совунлашнинг янги технологик шароитларини яратиш; муайян таркибли ароматизатор ва бўёқлардан фойдаланиб хўжалик ва атир совунлари турларини ишлаб чиқиш; пластиналарни мисцеллаларнинг турли қисмларига сингувчи биологик фаол препаратларни қўллаш ва ярим тайёр ашёларга электромагнит ишлов бериш орқали ювиш хусусиятлари оширилган воситалар ишлаб чиқариш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пальма ва кокос мойларига асосланган янги таркибдаги ювиш воситаларининг технологик имкониятларидан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар Н. Takashima, Н. Nomura, Y. Imai, Н. Mima, W. Bainj, F.B. Rosevear, F. Husenov, J.S. Clunie, С. Madelmont, P. Debye, R.C. Smart, C.L. Crawford, Ch. Tanford, В.З. Шахраи, В.Н. Ниора, А.А. Кузнецов, Т.Н. Фроловская, Т.В. Дронникова, В.А. Плесовских, И.К. Абаева, А.О. Партикова, П.В. Науменко, А.Г. Сергеев, И.В. Зенченко, И.М. Товбин, Б.Н. Тютюнников, К.Х. Мажидов, М.Н. Рахимов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан ўсимлик экстрактлари ва бўёқлардан фойдаланган ҳолда хўжалик ва атир совунларини ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилган; ўсимлик ва ҳайвон ёғлари асосида ёғ кислоталарини совунлашнинг технологик шароитлари мақбуллаштирилган; ювиш воситалари ассортиментини кенгайтиришда ёғ кислоталарининг метил- ва этил-эфирларидан фойдаланиш тавсия этилган;

Шу билан бирга, ювувчи воситаларини, маҳаллий турлардаги хўжалик ва атир совунлари ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологияси ишлаб чиқилмаган; ювиш воситаларининг сифати ва физик-кимёвий хусусиятларини шакллантиришга технологик шароитларнинг ва хомашё табиатининг таъсири ўрганилмаган; совун қириндиларининг структуравий-механик таснифлари ўзгаришига электрофизик омилларнинг ва биологик фаол қўшимчаларнинг ювувчи воситалари реологик хусусиятларига таъсири аниқланмаган; пальма ва кокос мойлари асосидаги яримтайёр маҳсулотларга электрокимёвий ишлов бериш орқали ювувчи воситалар ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш бўйича тадқиқотлар бугунги кунга қадар бажарилмаган.

Диссертация мавзусининг иш бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ А-9-8 «Юқори сифат ва озиқ-овқат хавфсизлигига эга ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдаги янги ишланмалар» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пальма ва кокос мойлари асосидаги ярим тайёр ашёларга электромагнит майдони таъсирида ишлов бериш орқали ювувчи воситалар ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ювиш воситаларининг юқори хусусиятларини таъминлайдиган хомашё ва ёрдамчи ашёларнинг таснифларини ўрганиш;

ювувчи воситаларнинг таркибий қисмларини совунланиши технологиясини

ўрганиш;

янги турдаги хомашё, кўшимчалар ва ёрдамчи материаллар асосида қаттиқ совунларнинг юқори ювиш хусусиятларини таъминлайдиган омилларни аниқлаш;

қаттиқ совун ва суюқ ювувчи воситаларининг янги таркибларини ишлаб чиқиш;

совун қириндиларининг структуравий-механик таснифларини ўзгаришига электрофизик ишлов бериш омилларининг таъсирини ўрганиш;

биологик фаол кўшимчаларнинг ювувчи воситаларини реологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

қаттиқ ва суюқ совунларни ювиш хусусиятлари тўғрисидаги мавжуд назарий тушунчаларни кенгайтириш;

янги турдаги ва таркибли компонентларга эга ювувчи воситалар технологиясини жорий этиш ва саноатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Тадқиқот объектлари сифатида пальма, кокос ёғлари каби қаттиқ ва суюқ ювиш воситаларининг хом ашёлари ва анъанавий ёғли хом ашё турлари билан аралашмада олинган ювувчи воситалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети қаттиқ ва суюқ совунларнинг янги таркиблари, ёғли хом ашё аралашмасини электромагнит майдони таъсири билан қайта ишлаш жараёни, олинган воситаларнинг сифат кўрсаткичлари ва физик-кимёвий таснифлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Таҳлил ва баҳолашда замонавий-физик, кимёвий ва физик-кимёвий аниқлаш усуллари (ИК, ГСХ, ИҚХ) ва олинган тажриба натижаларини математик қайта ишлаш усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

атир совуни қаттиқлиги ва истеъмоллик хусусиятларининг юқори даражаси $C_{12}-C_{18}$ қатори тўйинган ёғ кислоталарининг юқори миқдори (65 % гача) ва линол кислотасининг кам миқдори (кўпи билан 6 % гача) билан белгиланиши исботланган;

стеарат масса улушининг 16 % гача ошириш билан атир совунининг истеъмолчилик хусусиятларининг яхшиланиши ва қаттиқлигини 420 г/см² гача ўсиши аниқланган;

қаттиқ турдаги совунларнинг рецептурасига 5% гача алкилбензолсулфо-кислота киритилиши совуннинг кўпикланиш қобилиятини 460 мл гача ошириши аниқланган;

совунланган ёғли хомашё аралашмаларини электромагнит ишлов беришдан фойдаланиб, ювувчи воситалар ишлаб чиқаришнинг янги технологияси яратилган;

камида 0,3 Тл магнит индукцияси билан тавсифланган магнит майдонда ишлов беришда совун қириндиларининг қовушқоқлиги сезиларли даражада пасайиши аниқланди. Қовушқоқлигининг пасайиши магнит индукциянинг 0,5 Тл гача ошиши билан давом этиб, шундан сўнг электромагнит таъсирнинг жадаллашиши сезиларли даражада камайиши аниқланган;

таркибига 0,25% миқдорда пластинали совун мисцеллаларининг турли қисмларига сингдирувчи биологик фаол кўшимчалар киритиш билан паст

қовушқоқлиги, пластик совун ишлаб чиқарилган;

пальма ва кокос мойлари, биологик фаол моддалар асосида ювувчи воситалар ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

янги турдаги хомашё, қўшимчалар ва ёрдамчи материаллардан фойдаланган ҳолда ювиш воситаларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилган;

ювувчи воситаларини тайёрлашнинг юқори кўпиклантирувчи ва реологик хусусиятларини таъминлайдиган оптимал технологик шароитлар аниқланган;

совун қириндилари, ароматизаторлар, бўёқлар ва биологик фаол қўшимчалар асосида ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш бўйича технологик жараёнлар такомиллаштирилган;

пальма ва кокос мойлари асосидаги ярим тайёр ашёларга электромагнит майдони таъсирида ишлов бериш орқали ювувчи воситаларни ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллаштирилган технологияси яратилган.

Тадқиқотлар натижалари ва илмий хулосалар ишончлилиги хомашё ва ювиш воситаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш замонавий усулларидан фойдаланганлик, тажриба натижаларини математик қайта ишлаш усулларини қўллаш, ювиш воситаларининг кўпик ҳосил қилиш ва реологик хусусиятларини аниқлашга назарий ёндашув, натижаларнинг ишлаб чиқаришда жорий қилиниш ва натижада иқтисодий самарадорликка эришилганлик билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги хом ашё манбалари ва ёрдамчи материаллар асосидаги қаттиқ ва суюқ совунларнинг юқори кўпик ҳосил қилиш ва реологик хусусиятларга эга янги турларини яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қаттиқ ва суюқ ювувчи воситаларнинг янги таркибларини ишлаб чиқишдан, бу асосда атир совун турларини кенгайтиришдан, ювувчи воситаларини ишлаб чиқариш учун муқобил технологик шароитларни аниқлашдан, уларнинг юқори сифатини ва ювиш воситаларни хусусиятларини таъминлашдан, харажатларни камайтиришдан ва маҳаллий хом ашёдан оқилона фойдаланиш орқали йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Пальма ва кокос мойлари асосида ювувчи воситаларнинг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва олиш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибига 30 % гача маҳаллий хомашё қўшиш билан қаттиқ совунлар ишлаб чиқариш технологияси «PRIME SOPONE» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзғёмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 18 мартдаги КС/3-342-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқариш корхонасида йилига 402 млн. сўм иқтисодий самарани олинишига эришилди;

совунли суюқлик асосида суюқ ювувчи воситани ишлаб чиқариш усули «Alviero» ХКда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзғёмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 18 мартдаги КС/3-342-сон маълумотномаси). Натижа, совунга ишлатиладиган ишқор сарфини 12% гача, ҳосил бўладиган оқава сувлар миқдорини 10% гача қисқартириш имконини берган;

хомашё - совун қириндиларига электромагнит ишлов бериш технологияси «Alviero» ХКда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзғамойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 18 мартдаги КС/3-342-сон маълумотномаси). Натижа, совунланиш жараёни вақтини ўртача 2 - 3 соатга қисқартириш ва энергия сарфини 20 - 25 % га тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 3 халқаро ва 8 республика илмий-амалий анжуманларда маъруза ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар нашр этилган. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақолалар чоп этилган, шулардан 8 та хорижий ва 5 та республика журналларида. Халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 11 маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация иши ҳажми 206 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, шунингдек манбаи ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технология ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, ишланмаларни ишлаб чиқаришда жорий қилиниши натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Ювувчи воситалар, таркиблари, ишлаб чиқариш технологияси» деб номланган биринчи бобда** ювиш воситаларининг умумий баҳоси, хўжалик ва атир совунларнинг таснифи берилган. Ювувчи воситаларни ташкил қилувчи моддалар ва ёрдамчи ашёлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ювувчи воситаларнинг таркиб компонентларининг совунланиш технологиялари тавсифи берилган. Ювувчи воситаларнинг хусусиятларини таъминлашда хомашё ва маълум хусусиятга эга бўлган кўшимчаларнинг аҳамияти баҳоланган. Қаттиқ совунларнинг ёғ таркиблари берилган. Мавзуга оид адабиёт маълумотларни таҳлил қилиш асосида совуннинг тури ва сифати баён қилинган ва мазкур диссертация иши бўйича бажариладиган тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертация ишининг **«Тадқиқот манбалари, тажриба техникаси, хом ашё ва ювувчи воситаларининг кўрсаткичларини тадқиқ қилиш усуллари» деб номланган иккинчи бобда** тажриба тадқиқотларини ва таҳлилни ўтказиш, хом ашё ва ювиш воситаларини баҳолаш масалалари келтирилган. Илмий ва тажриба тадқиқотлари бевосита «Prime Sorone» МЧЖ ва «Alviero» ХК ишлаб чиқариш шароитида амалга оширилган.

Атир совунларини ишлаб чиқариш учун куйида келтирилган хом ашё манбаларидан фойдаланилган.

*RCNO - кокос уруғи мағзи хом мойини физик рафинациялаш йўли билан олинган тозаланган кокос мойи.

*RBD PALM STEARIN - пальма мойининг фракцияланган ва рафинацияланган ашёларидан тайёрланган ва паст аниқланган вазни билан текстураланган ёғ.


*РРКО - физик рафинациялаш йўли билан тозаланган пальмаядро мойи.

*Palm Olein IV 65 - пальма мойини паст ҳароратда эрийдиган ёғ кислоталарининг юқори миқдорига эга бўлган фракцияланган маҳсулоти.

Атир совун навларини ишлаб чиқариш учун қўлланилган хом ашё манбаларига алоҳида талаблар қўйилди.

Совун асосини олишнинг чиқиндисиз янги усули таклиф қилинди ва улар асосида атир совунлар таркиблари ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш шароитида технологик босқичлар (1-расм) куйидагиларни ўз ичига олган:



Расм 1- Ювувчи воситалар ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик тизими

Атир совун навларининг сифатини яхшилаш, турларини кенгайтириш ва физик-кимёвий хусусиятларини яхшилаш мақсадида юқорида айтиб ўтилган янги хомашё турлари билан бир қаторда, уларнинг таркибидада сирт фаол моддалар–алкилбензолсульфо кислотаси ва натрий лаурилсульфат қўлланилган.

Совун ишлаб чиқаришда тадқиқотларда тайёр совун қириндиларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, улар кейинчалик «Mazzoni» LB фирмаси оқим-механизацияланган ва автоматлаштирилган линиясида асосий хом ашё сифатида қайта ишланган.

Юқорида айтилганларни таҳлил қилиш ва баҳолаш шуни кўрсатадики, атир совун тайёрлаш учун хом ашё сифатида совун қириндиларидан фойдаланилган бўлиб, бу ишлаб чиқариш шароитида моддий-технологик харажатларни тежаш имконини берган.

Совуннинг юқори хусусиятли навларини яратиш учун янги турдаги хомашё манбалари, бўёқ моддалари, сирт-фаол моддалар, ароматизаторлардан ва ҳ.к. фойдаланиб, янги турлари ишлаб чиқилди ва белгиланган тартибда тасдиқланди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўришиб турибдики, совун ишлаб чиқаришда ёғли хом ашё сифатида пальма мойи, пальма стеарини, кокос мойи ва «Тошкент ёғ-мой

комбинати» АЖ шароитида пахта мойини гидрогенлаш йўли билан олинадиган техник саломас қўлланилди.

1-жадвал

Янги атир совунлари навларининг таркиби ва ташкил этувчи қисмлари

№	Хом ашё номи	Ўлчов бирлиги	Атир совуннинг тури		
			Умумий (Palmera)	Болалар учун (Pinokkio)	Экстра (Olivia)
1	Пальма мойи (Palm Olein IV 65)	%	37,4	38,1	67,4
2	Пальма стеарини (RBD PALM STEARIN)	%	10	10	10
3	Кокос мойи (RCNO)	%	20	20	20
4	Техник ёғ-мой аралашмаси (саломас)	%	30	30	-
5	ЭДТА	%	0,05	0,05	0,05
6	Оқартиргич	%	0,05	0,05	0,05
7	Хид берувчи модда	%	1	1	1
8	Бўёқ	%	0,000025	0,000025	0,000025
9	Алкил лактат	%	-	0,1-0,3	-
10	Аллантоин	%	-	0,1-0,3	-
11	Стеарин кислотаси	%	1	-	1
12	Натрий бензоат	%	0,5	0,5	0,5

Тайёр атир совун бирламчи жамламалари алоҳида бўлақлар ёки гуруҳ қадокда, мувофиқ қадоклаш материалларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарилди.

Диссертация ишининг «**Ювувчи воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида ювувчи воситалар таркиблари ва уларни ишлаб чиқариш технологик жараёнларни ўрганишга бағишланган.


2-жадвал

Ювувчи воситалар таркибий компонентларининг ўзгариш матрицаси

<i>u</i>	X_1	X_2	X_3	x_1	x_2	x_3
1	1,0	0	0	0,80	0,20	0,03
2	0	1,0	0	0,20	0,25	0,03
3	0	0	1,0	0,20	0,20	0,25
4	0,5	0,5	0	0,50	0,22	0,03
5	0,5	0	0,5	0,50	0,20	0,14
6	0	0,5	0,5	0,20	0,22	0,14

Ювувчи воситанинг муқобил таркибини аниқлаш мақсадида 3 компонентли аралашма хоссаларининг компонентлар нисбатига боғлиқлигини тадқиқ қилиш режаси бажарилди. Муқобиллик мезони сифатида титр Т°С қабул қилинди. Титрнинг (°С) ювиш воситаси асосининг таркибига боғлиқлигини тадқиқ қилиш режаси параметрлари 2-жадвалда келтирилган.

Олинган тенглама бўйича учбурчак диаграмма (2-расм) тузилган бўлиб, унда титр $T = \text{const}$ -га тенг чизиқлар кўрсатилган.



Расм 2- Қириндилардан фойдаланиб совун ўзаги компонент таркибини уч ўлчовли ўзгариши

Ювувчи восита сифатида «Ekstra palmera» гуруҳли совун қириндилари қўлланилди. Ушбу совун қириндилари «Мацциони» фирмаси узлуксиз совунлаш қурилмасида тайёрланди. Кейин совун асоси пуркагич қуритгичида қуритилди.

Совун асоси олинган таркиб қуйидагилардан иборат бўлган: пальма стеарини - 45%, пальма мойи - 45%, кокос мойи - 10%. Шу билан бирга, таклиф қилинган антиоксидантларнинг барқарорлик таъсирини баҳолаш мақсадида «Alviero» ХК да «Ekstra palmera» совун гуруҳи учун олинган, ташкил қилувчи таркиблар билан бир қаторда 0,3% миқдорда антал сақлаган қириндилар саноат пальма стеарини бир қисми ўрнига ишлатилди.

Мазкур хом ашёни таснифи учун кўрсаткич сифатида ёғ кислоталарининг миқдоридан фойдаланган бўлиб, у $76 \pm 1\%$ га тенг бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

Совунланган совун қириндиларининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Меъёрий қийматлар	Совун қириндиси
Сода маҳсулотлари миқдори, % Na_2CO_3 га ҳисоблаганда, кўпи билан	0,2	$0,15 \pm 0,02$
NaCl масса улуши, % кўпи билан	0,7	$0,39 \pm 0,01$
Ёғ кислоталари миқдори, % *	75-80	76 ± 1
Титр, °C	35-41	$42,4 \pm 0,5$
Кўпикнинг бирламчи ҳажми, cm^3 камида	350	500 ± 50


Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, тадқиқ қилинган намуналар физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича стандарт талабларга мос келади.

Келтирилган назарий асосларни ва совун қириндиларининг реологик хусусиятларини ўрганиш натижасида тажрибаларда олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, совунлаш жараёнини жадаллаштириш мақсадида совун қириндилари структуравий боғларини максимал даражага беқарорлаштириш имконини берадиган омилларни аниқлаш лозимлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин. Мазкур тизимга муқобил частота майдони таъсирида боғларни

деформациялаш ва тизимининг структуравий хусусиятларини ўзгартириш қобилиятига эга энергия квантларининг пайдо бўлиши билан бирга борадиган ўзгариш пайдо бўлиши мумкин.


Қовушқоқликнинг сезиларли пасайиши камида 0,3 Тл қийматли магнит индукцияси билан тавсифланадиган магнит майдонида ишлов берилганда кузатилади. Совун қириндиси қовушқоқлигининг пасайиши магнит индукциясининг 0,5 Тл -гача оширилиши билан давом этади, шундан сўнг электромагнит таъсир жадаллиги сезиларли даражада камаяди. Қайд этилган таъсирлар совун қириндиси таркибга кирадиган фосфолипидлар молекулалари ва бошқа сирт фаол моддалар томонидан ҳосил қилинган мицелляр структураларга электромагнит майдон томонидан кўрсатиладиган беқарорлаштирувчи таъсир билан изоҳлаш мумкин. Тажриба натижалари 3- ва 4-расмларда келтирилган.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, совун қириндиларига 40-60% сув қўшилиши ва олинган тизимни сўнгра ўткир ишқор эритмаси билан 50 °С ҳароратда ишлов берилиши силжиш тезлигининг максимал пасайишини таъминлайди. Ишлов бериш самарадорлигининг 95 °С ҳароратда пасайишини, электромагнит таъсир ўзгариш механизми назариясини ҳисобга олган ҳолда, иссиқлик ва электромагнит фаоллашувлар билан шартланадиган мицелла ҳосил қилувчи молекулалар тебранувчи ҳаракатларнинг ўзаро бостирилиши билан изоҳлаш мумкин.



Расм 3- 25°C ҳароратда совун қириндиларининг қовушқоқлик самарадорлигининг силжиш тезлигига нисбатан ўзгариши

1- ЭМП да дастлабки ишлов беришсиз; 2-7- ЭМП да дастлабки ишлов бериб, магнит индукция қийматлари: 2-0,1 Тл; 3- 0,2 Тл; 4 - 0,3 Тл; 5 - 0,4 Тл; 6 - 0,5 Тл; 7 - 0,6 Тл



Расм 4- Совун қириндилари эритмаси ҳароратини электромагнит ишлов бериш шароитларига боғлиқлиги

Суюқ ювувчи восита таркибини ишлаб чиқишда кўпик ҳосил қилиш хусусиятларини чеклаш ва анъанавий ювувчи воситаларига хос пластик куйқасимон ҳолатини таъминлаш билан бирга совун асосининг ювиш таъсирини ошириш масаласи ҳал қилиниб, уларнинг самарали қовушқоқлиги силжиш тезлиги $3-5 \text{ c}^{-1}$ да $40-50 \text{ Па} \cdot \text{c}$ ташкил қилади. Қўйилган вазифаларни инобатга олиб, ўзига хос таъсирли қўшимча сифатида натрий карбонат танланди. 5-расмда натрий карбонатнинг суюқ ювиш воситасининг самарали қовушқоқлигига ва ювиш фаолиятига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари кўрсатилган.


Совун асоси массасига $3,0-4,0\%$ миқдорида натрий карбонат қўшилиши етарлича юқори ювиш қобилиятида керакли ҳолатини таъминлашга имкон бериши кўрсатилди. Суюқ ювувчи воситанинг ишлаб чиқилган таркиби 4-жадвалда келтирилган, 5-жадвалда эса унинг асосий кўрсаткичлари ва ўзига хос хусусиятлари берилган.

Совун пастаси етарлича юқори ювиш таъсирига эга эканлиги кўрсатилган.

4-жадвал

Суюқ ювувчи воситасининг таркиби

Хом ашё компонентлари номи	Таркиб ҳолатлари бўйича компонентлар масса улуши, %
Пальма ва кокос мойларидан тайёрланган совун қириндиларидан совун асоси	95,0-95,5
Кальцийланган сода	3,0-4,0
Хид берувчи модда	1,0-1,5
Жами	100,0



Расм 5- Қириндиларнинг совунли эритмасида самарали қовушқоқликнинг натрий карбонати қуюқлигига боғлиқлиги

Аниқланган хусусиятлар таҳлили ишлаб чиқилган суюқ совунни техник мақсадларда фойдаланиш учун тавсия этишга имкон беради.

Турли хил силжиш тезлигида совун асосларининг самарали қовушқоқлиги ўзгаришига биологик фаол қўшимчаларининг таъсири ўрганилди. Назорат сифатида анъанавий ишлатиладиган «Натрий бензоат» пластификаторидан фойдаланилди.

Кирилладиган биологик фаол қўшимчалар ва натрий бензоатнинг миқдори совун асосига 0,20-0,35% оралиғида ўзгариб турди.


5-жадвал

Суюқ юувчи воситанинг асосий кўрсаткичлари ва ўзига хос хусусиятлари таснифи

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич таснифи ва қиймати
Ранги	Оч-сарик
Ҳиди	Ёқимли, қўлланилган хид берувчи моддага хос
Бир жинслилиги	Бир жинслилик 0 дан 30°C гача ҳароратда сақланади
Кўрсаткич номи	Кўрсаткич таснифи ва қиймати
Консистенция	Пластик, куйқасимон
Масса улуши, %	
эркин натрий гидроксид	0,04
эркин натрий карбонат	4,0
Ўртача қаттиқликдаги сувда эритманинг функционал хоссалари: кўпик ҳосил қилиш қобилияти, Но/Н ₅ -мм	0,25%
ювиш таъсири, % ҳароратда:	
50°C	38,7
80°C	46,9
антиресорбцион қобилияти, % мато оппоқлигини сақлаш	62,4


Тажриба натижалари 6 ва 7-расмларда кўрсатилган.

Реологик эгри чизиклар таҳлили шунингдек оқувчанлик чегараси мавжудлигини ҳам кўрсатиб, у доимий юқори қовушқоқликка эга бўлган совун массасининг секин силжувчанлиги билан тавсифланадиган фазовий структура мустаҳкамлигини миқдорий жиҳатдан тавсифлайди.



Расм 6- Қириндиларнинг совунли эритмасини кўпик ҳосил қилиш қобилиятини бензоат натрий ва БФҚ массавий улушига боғлиқлиги

Силжиш кучланишининг оқувчанлик даражасидан паст бўлишида тизим ўзини қаттиқ жисм каби тутати, юқори қийматларда эса фазовий структура бузила бошлайди ва совун массаси қайта ишлашга яроқли оқувчан ҳолатга ўтади. Силжиш кучланишининг чегара қийматидан ошишида ўрганилаётган тизимларнинг оқувчанлиги энг паст қовушқоқликка эга Ньютон оқимига мос келади.




Расм 7- Қириндиларни совунли эритмасини оксидланишга чидамлилигини бензоатнатрий ва БФҚ улушига боғлиқлиги

Диссертация ишининг «Янги турдаги ювувчи воситалар ишлаб чиқаришнинг назарий асосларини ривожлантириш» деб номланган тўртинчи бобида ювиш воситаларининг кўпик ҳосил қилиш қобилияти тўғрисида маълумотлар берилган.

Ювиш таъсири механизми мураккаб бўлиб, бир қатор оддий ва мураккаб


ҳаракатларни, яъни намлаш, дисперслаш, қаттиқ сиртларда ҳимоя қатламларини ҳосил қилиш, эмульсиялаш, суспензиялаш, аралашмаларнинг флотацияси эҳтимоллиги билан кўпик ҳосил қилишни ўз ичига олади.

Маълумотларга кўра, самарали ювиш таъсирининг намоён бўлиши учун сирт фаол моддаси коллоид хусусиятларни намоён қилиши, сувли фазада ифлосланиш стабилизатори бўлиши ва унинг миқдори ифлосланиш барқарорлаштириши ва ювиладиган сиртни қоплаш учун етарли бўлиши лозим.



Расм 8- Совунланган қириндилар асосидаги совуннинг кўпикланиш хоссаларини уч ўлчовли ўзгариш графиги

1 - 0,05%; 2-0,1 %; 3 - 0,3%; 4 - 0,5% (совун ўзаги қуюқлиги)



Расм 9- Совуннинг кўпик ҳосил қилиш қобилиятини совунланган қириндиларнинг массавий улушига уч ўлчамли боғлиқ графиги

1 - 0,05%; 2-0,1 %; 3 - 0,3%; 4 - 0,5% (совун қириндиларининг массавий улуши)

Тозалашнинг механик ишини ва сирт фаол моддаларнинг ювиш таъсирини тадқиқ қилишда қаттиқ сиртни ювиш учун сарфланган иш назарий ҳисоблаб чиқилди ва тажриба йўли билан тасдиқланди, бунда постулатдан келиб чиқилдики, ювиш таъсири ифлосланишнинг ювиладиган сиртдан ажралиши ва қайта ёпишишининг қайтариладиган жараёни деб ҳисоблаш мумкин бўлиб, унинг мувозанати ювиш эритмаси иштирокида берилган йўналишга қараб силжитилиши мумкин.

Изобарик-изометрик шароитларда ва фаза ўтишлари йўқлигида қаттиқ

сиртни суюқлик томчиси билан намлаш жараёнини таҳлил қилишнинг термодинамик усулидан фойдаланиб, ёғ томчисининг ажратиб намлаши ва ювиш эритмасида ювиладиган сиртга ёпишиш жараёни Ав тизимининг эркин сирт энергиясининг ўзгаришини баҳолаш учун тенглама олинди.

$$\Delta G = -\delta(1 - \cos\theta)S_2 + \delta(S_2 + S_1 \cdot S^k_1) = -G_a + G_D = -G_c, \quad (1)$$

бунда δ – сув-мой чегарасидаги фазалараро ҳолат;

θ – сув фазасида ўлчанган чекка бурчак;

S^k_1 – қаттиқ тагликда бўлган сегментнинг ташқи сирти майдони;

S_2 – мой томчисининг қаттиқ сирт билан контакти майдони;

G_a – мой томчиси ёпишиши адгезияси ишини тавсифлайди;

G_D – ёпишиш жараёнида таглик бўйлаб оқиб тушишида томчи сирти майдони ўзгариши ишини тавсифлайди.

Қаттиқ совунлар технологиясининг таснифли хусусияти бўлиб 60% тўйинган ва 40% тўйинмаган ёғ кислоталардан ташкил топган ёғли хом ашёдан фойдаланиш, шунингдек уни уч босқичли тизим бўйича қайта ишлаш ҳисобланади: ёғли хом ашёнинг ишқорий гидролизи, олинган совун асосини совутиш ва дегидратлаш, совун қириндиларини механик қайта ишлаш. Концентрация-ҳарорат-вақт комбинациясини ўзгартириб турадиган технологик босқичлар натижасида тизим ҳолатининг қовушқоқ-оқувчандан кристаллсимонгача ўзгариши содир бўлади.

Мицелла тўғри график моделини куриш учун мицелла сирти кесими тасвири тўғри чизикқа аппроксимациялаш зарур бўлди, ва бу ҳар бир молекуланинг углеводород занжири узунлигини ва ушбу молекулалар углеводород занжирининг «эквивалент» узунлигини ҳисоблаш йўли билан амалга оширилган.

Товар атир совунлар таркибида асосий бўлган молекулалар ҳар бир турининг углеводород занжири узунликларининг қийматлари Тенфорд эмпирик формуласи ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

$$L_n = 1,5 + 1,26 n_i; \quad (2)$$

бунда n_i – занжирдаги углеводород атомлари сони; б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Товар атир совунлар таркибида асосий бўлган молекулалар углеводород занжири узунликларининг қийматлари

Кислота индекси	C^0_{12}	C^0_{14}	C^0_{16}	C^0_{18}	$C^{1=}_{18}$
Углеводород занжири узунлиги, Å	15,4	18,0	20,5	23,0	23,0

Қиймати 21,6 Å ни ташкил қилган совун молекуласи “эквивалент” узунлиги қўйидаги формула бўйича ҳисобланди:


$$L_3 = \frac{\sum (m_n \cdot L_n)}{\sum m_n}; \quad (3)$$

бунда, L_3 – совун молекуласи “эквивалент” узунлиги, m_n – кислота тузи масса улуши (%), L_n – ёғ кислота тузи молекуласининг узунлиги (Å).

Молекулаларнинг мицеллаларга бирлашиши ва уларнинг парчаланиши

ассоциациянинг турли қарама-қарши босқичларининг мувозанат жараёни бўлиб ҳисобланади ва бўшашиш (релаксация) вақти, яъни агрегация жараёнининг тўлиқ ёки қисман термодинамик мувозанат вақти билан тавсифланади. Совун мицелласида молекулаларнинг термодинамик мувозанат ҳолатида бўлиши ўртача вақти тахминан 10 сек ни ташкил қилади.

У ҳолда, мувозанат ҳолатидаги совун аралаш пластинасимон мицелланинг назарий модели куйидаги кўринишда кўрсатилиши мумкин (10-расм).



Расм 10- Совун аралаш пластинасимон мицелланинг модели

1 – қалинлиги $d_n \sim 42 \text{ \AA}$ бўлган пластинасимон мицелла; 2 - молекуляр-дисперс ҳолатдаги анионлар эритмаси.


Мавжуд назарий тушунчаларни ривожлантириш учун муҳим жиҳат шундан иборатки, келтирилган моделга мувофиқ анионлар мицелла билан динамик мувозанатда бўлади ва бундан, мавжуд моделлардан фарқли равишда, пластина сув билан эмас, балки мицеллани ташкил этадиган ёғ кислоталарининг натрий тузлари эритмаси билан ўралган бўлади. Эритма таркиби мицелла таркибидан фарқ қилади ва индивидуал тузларнинг эрувчанлиги даражаси билан аниқланади.

Совун молекулаларининг диссоциацияси тенглама бўйича боради:



мицелла пластинаси сиртида мицеллалар ёпишишига қаршилиқ қиладиган қўш электр қатлам ҳосил бўлади (11-расм).

Потенциал ҳосил қилувчи қатлам карбоксил гуруҳ RCOO^- анионларидан ташкил топган, ва манфий зарядланган бўлади. Қарши ионлар Na^+ мусбат зарядланган ионлардан иборат. Адсорбция натижасида Na^+ ионлар бир қисми силжиш сирти А- Å дан пастда маҳкамланган ҳолатда бўлади, бошқа қисми эса диффузион қатламни ташкил қилиб, унинг қалинлиги пластиналар орасида эритмада совун молекулаларининг ҳароартидан ва концентрациясидан боғлиқ бўлади, улар амалий шароитларда 20 Å дан ортиқ бўлиши мумкин.



Расм 11- Совун молекулалари аниони

+ - натрий ионлари; А-А – силжии сирти; Н – диффузион қатлам қалинлиги, 20 Å атрофида.

Шундай қилиб, ювувчи воситаларнинг қурилган график моделлари кейинчалик структуравий тузилишлар тўғрисида назарий масалаларни ўрганиш имконини берди.

Диссертация ишининг «Янги таркибдаги ювувчи воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологик жараёнларни баҳолаш» деб номланган бешинчи боб илмий-техник ишланмаларни синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этиш натижаларига бағишланган.

